

Суннатлардаги ўнта илмий ҳақиқат (бешинчи мақола)



08:32 / 12 март 1882

Кундан кунга Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадаги илмий мўъжизалар, ҳақиқатлар илмий томондан ҳам аниқланмоқда. Ушбу мақолада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида баён қилинган ва яқин йиллар ичида аниқланган илмий ҳақиқатлар зикр этилади.

Истинжо

جَرَخَ وَمَلَسَ وَهَلَعَهُ لَلِصَّيْبِ لَلْأَقْوَمِ نَعْلُهُ لِيَضْرَبَهُ بِأَنْعَامٍ وَأَوْبُضُفْنَتِ سَأَرَاجُ حَيْلِغَبَا لَأَقْفُ هُنْمُ تَوَدَّفُ تَفْتَلِي الْكَفَّ وَتَجْجَلِ أَتَعَضَّ وَفِي بَابِ ثَفَرَطٍ فِي رَأْسِ حَبَابِ تَيْتِ أَفِ ثَوْرٍ لَمْ طَعِبَ يَنْتَأْتِ الْوُحْنُ فِي رَأْسِ الْهَوْرِ نَهْبُ عِبْتِ أَيْضَاقِ مَلَفُ نَعْتِضْرَعُ أَوْ هَبْنَجِ لِي

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатларига чиққан эдилар, ортларидан бордим. Одатда у зот ортларига қарамас эдилар. У зотга яқинлашган эдим, менга:

«Тошлардан олиб кел, улар билан истинжо қиламан, (ёки шунга ўхшашроқ гап айтдилар) суяк ёки тезак олиб келма», дедилар. Кийимининг этагига тош солиб келтириб, ёнларига қўйдим ва ўгирилиб кетдим. У зот қазои ҳожат қилиб бўлиб, уларни ишлатдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Набавий поклик усулларида бири бавлдан кейин истинжо қилиш ва нажосат жойини яхшилаб тозалашдир. Ушбу яхши одатга амал қилишнинг сезиларли тиббий таъсирига эришилганлиги исботланган. Нажосатни яхшилаб кетказиш инсонни жинсий аъзоларнинг кўплаб касалликларидан сақланишига сабаб бўлади. Буни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга истинжо ва покланишни буюрганларида таъкидлаганлар.

عَلَىٰ أَحْوَارٍ مِّنْ حُمْرٍ لَّكَ يَلْعَبُ «لَا أَقْرَبُكَ مِنْ عَدُوِّكَ إِلاَّ بِصِيْبٍ لِّلَّهِ نَعْمَ، وَصَفْحٌ لِّلَّهِ عِزٌّ لِّأَسْنَانٍ لِّأَوْ دُوَادٍ وَبِأَهْوَاؤِ».

Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир эҳтилом бўлувчига жумага бориш лозимдир. Ҳар бир жумага борувчига ғусл лозимдир», дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Мўмин киши терисини кирлар, бактериялар, микроблар, замбуруғлар ва тер қолдиқларидан тозалаш учун ҳар жума куни ҳеч бўлмаганда бир марта ювиниши керак.. Бу ғусл тери касалликларининг олдини олишга, терининг нафас олишини яхшилашга ва унинг тешикларини сақлашга ёрдам беради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга касалликларнинг олдини олишда покланишнинг аҳамияти борлигини ким айтди?! Албатта, Аллоҳ таоло айтган!

(Давоми бор)

**Абдуддоим Каҳел мақоласи ва Islom.uz маълумотлари асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.